

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**МАМАДАЛИЕВА САДОКАТ ВАЛИЖАНОВНА**

**МАХАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН  
АДСОРБЕНТЛАР КОМПОЗИЦИЯЛАРИДА ПАРАФИНЛАРНИ ЧУҚУР  
ТОЗАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мамадалиева Садокат Валижановна**

Махаллий хом ашёлар асосида ишлаб чиқилган адсорбентлар  
композицияларида парафинларни чуқур тозалаш технологияси ..... 3

**Мамадалиева Садокат Валижановна**

Технология глубокой очистки парафинов на разработанных композициях  
адсорбентов из местных глин ..... 21

**Mamadaliyeva Sadokat Valijanovna**

Technology of deep purification of paraffins using created compositions of  
adsorbents from local clay..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**МАМАДАЛИЕВА САДОКАТ ВАЛИЖАНОВНА**

**МАХАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН  
АДСОРБЕНТЛАР КОМПОЗИЦИЯЛАРИДА ПАРАФИНЛАРНИ ЧУҚУР  
ТОЗАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020. 4. PhD/Т1902 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдурахимов Саидакбар Абдурахмонович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хамидов Босит Набиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Мухторов Нуриддин Шамсидинович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «22» декабрь 2020 йил соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanru@mail.ru](mailto:ionxanru@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (25-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2020 йил « 9 » декабрь куни тарқатилди.  
(2020 йил « 9 » декабрь № 25 - рақамли реестр баённомаси).



**Б.С. Закиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д.С. Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

**Ш.С. Намозов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,  
к.ф.д., профессор, академик

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунёда парафин ва церезинга қизиқиш тобора ортиб бормоқда, чунки уларни қўллаш ва қайта ишлаш соҳалари янги турдаги полимер ва композицион материалларни олиш учун доимий равишда кенгайиб боради. Парафин ва церезин асосан тиббиёт, қоғоз саноати, қишлоқ хўжалиги, электроника ва бошқа иқтисодиёт тармоқларида қўлланилади. Шу билан бирга, парафинлар ва церезинларнинг тозалиги юқорида айтиб ўтилган истеъмолчиларнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади ва шунинг учун яратилган адсорбент композицияларда парафинларни чуқур тозалашнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқиш устувор аҳамиятга эга.

Жаҳон амалиётида парафинлар ва церезинларни чуқур тозалаш учун ҳар хил минералогик ва кимёвий таркибдаги фаоллаштирилган гил адсорбентлари кенг қўлланилади. Хом ашёнинг аксарияти адсорбент олиш учун макро- ва микроғовакларни ҳосил қилиш мақсадида кислота ёрдамида фаоллаштиришни талаб этадиган бентонитлардир. Ушбу йўналишда қуйидаги илмий-техник ечимлар: адсорбент композициялар яратиш учун маҳаллий гил минералларни танлашни; маҳаллий гил минералларининг кислота билан фаоллаштиришда механик-кимёвий фаоллаштиришни (МКФ) қўллашни; маҳаллий хомашёдан яратилган адсорбент композицияларида парафинларни чуқур тозалаш технологиясини ишлаб чиқишни асослаш зарур.

Бугунги кунга қадар республикада турли хил сифатдаги минерал мойлар аралашмасидан ажралиб олинadиган нефт маҳсулотларини, шу жумладан парафинлар ва церезинларни қайта ишлаш бўйича маълум илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда кўзда тутилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан маҳаллий хом-ашё асосида адсорбентлар композициясини ва улар ёрдамида парафинларни чуқур тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ПФ-4947 сонли, 01.02.2019 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика саноатини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-5646-сонли Фармонларида ва 2017 йил 23 августдаги «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида» ПҚ-3236 сонли Қарорида, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

хужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Адсорбентлар композицияларидан фойдаланган ҳолда парафинларни чуқур тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишларни В.М. Капустин, С.А.Ахметова, О. Ф. Глаголева, А. К. Мановян, Ф. И. Рябова, Г. Р. Норметова, Б.Н. Хамидов, М. П. Юнусов, М. М. Абидова, У.К.Ахмедов, С.А.Абдурахимов, Д.М.Мирсабуров, О.К.Рахмонов ва бошқалар олиб борган.

Парафинлар, церезинлар ва уларнинг аралашмаларини тозалаш чуқурлигини ошириш учун турли хил минераллардан қатор адсорбентлар, шунингдек, парафин ва церезиннинг бегона моддаларининг ютилишини оширишга имкон берадиган ташқи таъсир усуллари таклиф қилинган.

Сўнги йилларда бир нечта ташқи таъсирлардан (ултратовуш, магнитли ишлов бериш ва бошқалар) биргаликда фойдаланиш ёрдамида парафинлар ва церезинларни тозалашнинг комбинацияланган усуллари ишлаб чиқишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Албатта, тозалаш усуллари кўпайиши билан, сўзсиз, олинаётган тоза парафин, церезин ёки уларнинг аралашмаларининг таннархи ошади, хомашёнинг қайтмас йўқотишлари кўпаяди ва ҳоказо. Шу сабабли, ҳосил бўлган адсорбент композицияларда парафинларни маҳаллий хом ашёдан чуқур тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий вазифа бўлиб ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Фарғона политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режаларининг А-6-3/9 «Нефтни қайта ишлаш саноатида парафинларни чуқур тозалаш учун импорт ўрнини босувчи экспортга йўналтирилган адсорбентлар композицияларини ишлаб чиқиш» (2011-2020 йй.) амалий лойиҳалари доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хом ашёдан яратилган адсорбентлар композициясида парафинларни чуқур тозалаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Қўйилган мақсадга эришиш учун биз томондан қуйидаги вазифалар шакиллантирилди:

маҳаллий нефтлардан олинган парафинлар ва церезинларнинг кимёвий таркибининг хусусиятларини аниқлаш;

маҳаллий гил минераллари сувли эритмаларининг коллоид-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

механик-кимёвий фаоллаштирувчи воситадан фойдаланган ҳолда маҳаллий гил минералларини кислота билан фаоллаштириш;

кислота ёрдамида фаоллаштирилган гилли адсорбент олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

парафинлар ва церезинларни чуқур тозалаш учун адсорбентлар композициясини яратиш;

яратилган адсорбентлар композицияларида парафинларни чуқур тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш;

яратилган адсорбентлар композицияларида парафинларни чуқур тозалаш технологиясининг техник ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** маҳаллий нефтлардан олинган парафин, ҳамда эритиш ҳарорати юқорида бўлган церезиндан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** механик-кимёвий фаоллашувнинг маҳаллий гил минералларини кислотали ишлов беришга таъсирини аниқлаш ва улар асосида парафинлар ва церезинларни чуқур тозалаш учун адсорбентлар композициясини олишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда нефт маҳсулотларини таҳлил қилишнинг физик-кимёвий, коллоид-кимёвий, спектроскопик ва бошқа усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагича:

маҳаллий гил минералларини кислота билан ишлов бериш жараёнида механик-кимёвий фаоллаштиришни қўллаш зарурлигини илмий асосланган;

парафинлар ва церезинларни чуқур тозалаш учун адсорбент композициялар яратишнинг илмий принциплари ишлаб чиқилган;

механик-кимёвий активатор ёрдамида маҳаллий гил минералларни кислота билан фаоллаштиришнинг мақбул шартлари аниқланган;

яратилган адсорбентлар композицияларида парафинлар, церезинлар ва уларнинг аралашмаларини чуқур тозалаш учун мақбул шароитлар ишлаб чиқилган;

маҳаллий гил минералларидан ва механик-кимёвий фаоллаштирувчидан фойдаланган ҳолда адсорбентлар композициясини олиш, шунингдек парафинлар, церезинлар ва уларнинг аралашмаларини биринчисидан фойдаланган ҳолда чуқур тозалаш технологиялари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагича:

механо-кимёвий активатор ёрдамида маҳаллий гил минералларини кислота билан фаоллаштириш усули ишлаб чиқилган;

парафин, церезин ва уларнинг аралашмаларини чуқур тозалаш учун адсорбентлар композицияси яратилган;

яратилган адсорбентлар композициясида парафин, церезин ва уларнинг аралашмаларини чуқур тозалаш учун мақбул шартлар ишлаб чиқилган;

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида тажриба ишлаб чиқариш синовларида ижобий натижаларни кўрсатган, маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган адсорбентлар композицияларда парафинларни чуқур тозалаш технологияси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Лаборатория ва дастгоҳ тадқиқотлари ва олинган парафинлар, церезинлар ва уларнинг

аралашмаларини таҳлил қилиш натижалари тажрибавий ишлаб чиқариш синовлари билан тасдиқланган, шунингдек лаборатория ва дастгоҳ тадқиқотларининг ишлаб чиқилган композицияларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ва олинган парафинлар, церезинлар ва уларнинг аралашмаларининг таҳлиллари, шунингдек тажриба ишлаб чиқариш синовлари, ҳамда маҳаллий хомашёдан адсорбентларнинг ишлаб чиқилган композицияларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти механик-кимёвий фаоллаштирувчи воситадан фойдаланган ҳолда маҳаллий гил минералларини кислота билан фаоллаштиришнинг илмий асосланган технологиясини ишлаб чиқишда, шунингдек, диссертация илмий ва амалий натижаларидан республиканинг ФарПИ, НамДУ, ТошКТИ ва бошқа университетларининг ўқув жараёнларида фойдаланиш билан боғлиқ.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган технология маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилган адсорбентларнинг композицияларида парафинни чуқур тозалашга, унинг йўқотилишини ва олинган маҳсулотларнинг нархини пасайтиришга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этилиши.** Маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқилган адсорбентларнинг композицияларида парафинларни чуқур тозалашда олинган илмий натижалар асосида:

минерал кислоталар эритмаларини қўллаб гилларни механик-кимёвий фаоллаштириш ёрдамида адсорбентлар олиш технологияси «Фаргона НКИЗ» да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 05 октябрдаги 04-24-13-сон маълумотнома). Натижада маҳаллий гил минераллардан сорбцион фаоллиги юқори адсорбентлар олинди ва уларни фаоллаштириш жараёнини 2-3соатга қисқартиришга имконини берган;

церезин ва парафин аралашмасини гил адсорбентларида тозалаш технологияси «Фаргона НКИЗ» да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 05 октябрдаги 04-24-13-сон маълумотнома). Натижада озик овқат саноати ва тиббиётда қўлланиладиган юқори тозалikka эга бўлган парафин олиш имконини берган;

парафинларни ишлаб чиқилган адсорбентлар композицияси билан тозалаш технологияси «Фаргона НКИЗ» да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 05 октябрдаги 04-24-13-сон маълумотнома). Натижада чет элдан келтириладиган қимматбаҳо адсорбент ўрнига маҳаллий хом ашёлар асосида олинган арзон адсорбентлар композициясидан фойдаланиб юқори тозалikka эга бўлган парафинлар олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 8 халқаро ва 10 республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган. Жумладан 8 та илмий мақола,



шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг(PhD) асосий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган журналларда 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги очиб берилган ва тадқиқотнинг амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган.

Диссертациянинг биринчи **«Парафинлар ва церезинларни чуқур тозалаш технологиясининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш»** деб номланган бобида илмий-техник нашрлар ва патент адабиётлари материаллари асосида парафинлар ва церезинларни, парафинлар ва церезинларни чуқур тозалаш учун адсорбентларни ва уларнинг композициялари, парафинлар ва церезинларни чуқур тозалашнинг маълум технологиялари, парафинлар ва церезинларни чуқур тозалаш технологиясини такомиллаштириш йўллари бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар ҳақида умумий маълумот берилган. Бу муаммоларни танқидий таҳлил қилиш асосида диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи **«Эксперимент техникаси, хом ашё ва олинган маҳсулотларни таҳлил қилиш усуллари»** деб номланган бобида механик-кимёвий фаоллаштирувчи воситадан фойдаланган ҳолда гил адсорбентларини кислота билан фаоллаштириш ва кукунсимон адсорбентларда парафин ва церезинни чуқур тозалаш учун лаборатория ускуналарини, хом ашё ва олинган маҳсулотларни таҳлил қилиш усуллари, маҳаллий нефтларидан ажратиб олинган парафин ва церезинларнинг физик-кимёвий параметрларини, шунингдек маҳаллий парафинлар ва церезинларнинг кимёвий хусусиятларини тавсифига бағишланган.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида парафин хом ашёси таркиби ҳам сезиларли чегараларда ўзгариб турувчи церезин билан аралашмада олинади. Шунини ҳисобга олиб, биз 42/2М ускунасида олинган парафин хом ашёсини бир нечта намуналарини таҳлил қилдик (1-жадвал).

1-жадвалда кўриб турганимиздек парафин ва церезин ўртасидаги нисбат ўзгарганда, парафин хом ашёсининг сифат кўрсаткичлари ҳам ўзгаради. Масалан, церезин миқдори 10 дан 30% гача ортиши, КНС бўйича хом ашёнинг ранги 16 дан 19 гача, олтингугурт миқдорини (310 дан 340 ppm

гача), кислород тутувчи бирикмалар миқдорини (1,05 дан 1,27% гача) ва смолалар миқдорини ( 8,7 дан 9,2% гача) ортишига олиб келади. Шу билан бирга, минерал мой (2,55 дан 2,15% гача) ва ароматик углеводородлар миқдори (4,5 дан 3,9% гача) камайишини кўрсатади.


1-жадвал

42/2М ускунасида олинган парафин хом ашёсини параметрлари

Таркибий миқдори,%		КНС бўйича марканинг шартли ранги	олтин-гургурт, ppm	Таркибий миқдори, %			
Парафин	Церезин			мой	ароматик углеводородлар	кислород-тутувчи бирикмалар	смолалар
100	-	15	280	2,75	4,8	0,85	8,4
90	10	16	310	2,55	4,5	1,05	8,7
80	20	18	330	2,30	4,2	1,20	8,9
70	30	19	340	2,15	3,9	1,27	9,2

Бинобарин, бу ўзгаришларнинг барчаси парафин хом ашёсини адсорбцион тозалашда ва уни амалга ошириш учун мақбул шартларни белгилашда ҳисобга олиниши керак.

Биз парафин хом ашёсини молекуляр оғирлиги ўзгаришига қараб эриш хароратининг ўзгаришини ўргандик (1-расм).



1-расм. Маҳаллий парафинларнинг (1) ва церезинларнинг (2) эриш хароратларининг уларнинг молекуляр оғирлигига қараб ўзгариши.

1-расмдан кўриниб турибдики, парафинлар (1) ва церезинлар (2) нинг молекуляр оғирлиги ошиши билан уларнинг эриш хароратлари ортиб боради (мос равишда тахминан 80 ва 90 °C га).

Нефт маҳсулотларида асосий кўрсаткичи бўлиб уларнинг зичлиги ҳисобланади. Маҳаллий парафинлар ва церезинларни таҳлил қилиш натижаларини қайта ишлаш орқали биз уларнинг зичлигини эриш хароратига қараб ҳисоблаш учун қуйидаги эмпирик формулаларни ҳосил қилдик:

$$\text{парафинлар учун } \rho_{\text{п}} = \frac{725 - 0,89t_{\text{пл}}}{1000} \quad (1); \quad \text{церезинлар учун } \rho_{\text{ц}} = \frac{811 - 0,95t_{\text{пл}}}{1000} \quad (2)$$

Асосан таркибида н-алканлар тутган маҳаллий парафинлар ва церезинлар зичлиги, таркибидаги циклоалканлар миқдорининг ўзгариш билан (1) ва (2) ҳисоб-китоблар натижаларидан фарқ қилиши мумкин. Бу

фарқ унчалик катта эмас ва рухсат этилган хатолик чегарасидан чикмайди.

Биз томондан таркибида церезинлар бўлган парафин хом ашёсининг физик-кимёвий ва углеводородлар таркиби ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Таркибида церезин миқдори турлича бўлган парафин хом ашёсининг физик-кимёвий кўрсаткичлари ва углеводород таркиби**

Кўрсаткичлар номи	Парафин хом ашёсини эриш ҳарорати, °С		
	50,8 (церезин 12%)	55,5 (церезин 24%)	67,1 (церезин 31%)
Синиш кўрсаткичи $n_D^{20}$	1,4261	1,4282	1,4335
Узилиш мустаҳкамлиги кг/см <sup>2</sup>	29,0	17,2	13,4
Пенетрация, мм х 10 <sup>-1</sup> :			
38 °С да	93	46	21
43 °С да	107	103	19
Углеводородлар миқдори, %:			
н-алканлар	73,1	82,6	85,2
изо-алканлар	17,4	13,3	12,1
нафтенлар	8,9	3,7	2,0
аромат.углеводородлар	0,5	0,3	0,1
минерал мойлар	0,1	0,1	0,6

2-жадвалдан кўришиб турибдики, маҳаллий парафин хом ашёсининг эриш ҳарорати ва таркибидаги церезин миқдорини ортиши билан уларнинг синиши кўрсаткичи 1,4261 дан 1,4335 гача ортади ва аксинча, узилиш мустаҳкамлиги 29 дан 13,4 кг / см<sup>2</sup> гача камаяди. Худди шу нарса 38 ° С (93 дан 21 мм х 10-1 гача пасаяди) ва 43 ° С (107 дан 19 мм х 10-1 гача пасаяди) да пенетрация кўрсаткичларда кузатилади.

Маҳаллий парафин хом ашёси эриш ҳароратининг (50,8 дан 67,1 ° С гача) ошиши ва ундаги церезин миқдори (12 дан 31% гача) н-алканларнинг миқдорини (73,1 дан 85,2% гача) кўпайтиради, изоалканлар миқдорини (17,4 дан 12,1% гача) ва нефтенлар миқдорини (8,9 дан 2% гача) пасайтиради. Шу билан бирга, ароматик углеводородлар ва минерал мойлар миқдори деярли ўзгармайди.

Маҳаллий парафинлар ва церезинлар таркибидаги ароматик углеводородлар уч ёки ундан ортиқ конденсацияланган ҳалқали фенилалканлардан иборат. Албатта, маҳаллий парафинлар ва церезинлар таркибидаги нафтенли ва ароматик углеводородларнинг таркиби аҳамиятсиз, аммо улар қадокланган озик-овқат маҳсулотларининг таъми ва ҳидини бузиши учун етарли.

Шундай қилиб, маҳаллий парафинлар ва церезинларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, улар дастлабки хом ашё (нефт) сифатига ва уларни қазиб олиш шароитларига чамбарчас боғлиқ.

Диссертациянинг учинчи «**Парафинларни чуқур тозалаш учун гил адсорбентларини кислота ёрдамида фаоллаштириш технологиясини ўрганиш**» деб номланган боби механо-кимёвий фаоллаштирувчи (МКФ) ёрдамида адсорбентлар ишлаб чиқариш учун маҳаллий гил минералларини танлашга, маҳаллий гил минералларининг МКФ дан кейин адсорбцион

хусусиятларининг ўзгаришига, олинган адсорбентларнинг физик-кимёвий параметрларини таҳлил қилишга, парафин ва церезинларни чуқур тозалаш учун ишлатиладиган адсорбентлар композицияларини ўрганишга, шунингдек, парафинларни маҳаллий адсорбентларнинг композицияларида адсорбцион тозалашнинг икки босқичли усулларини ўрганишга бағишланган.

Гранулометриқ таркиб кислоталарнинг сувли эритмалари билан ишлов берилган гилларнинг муҳим параметрларидан бири ҳисобланади. Дастлабки бентонитлар, полигорскитлар, гидрослюдали ва опока гиллари заррачанинг ўлчамлари ҳар хил, бу Сабанин-Робинзонларнинг седиметацион усули билан аниқланади.

Адсорбентларни тайёрлаш учун танлаб олинган дастлабки гилларнинг дифференциал термал таҳлили (ДТТ) ҳам бир хил аҳамиятга эга. Ушбу таҳлилни ҳарорат ўзгариши тезлиги 30 °С/дақ. бўлган ФПК-55 Курнаков пирометрида ўтказилди (3-жадвал).

**Жадвал 3**

**Танланган гилларнинг зарралари катталиги ва дифференциал термал таҳлил кўрсаткичлари**

Гилтупроқ конлари Номи	Гилтупроқларнинг гранулометриқ таркиби, %		Ҳарорат эффекти ДТТ, °С		
	02 К сеткали элакдаги қолдиқ	0063 сеткали элакдаги қолдиқ	биринчи	Иккинчи и	Учинчи
Асканит-бентонит (Грузия) ГАБ (назорат)	4,1	95,9	200-250	500-700	850-900
Шўрсув гидрослюдали гилтупроқ	1,1	98,9	180-230	480-650	810-870
Тул-Сўх палыгорскити	2,2	97,8	250-300	650-750	900-950
Кармона опока гилтупроғи	4,9	95,1	200-230	500-650	750-850
Навбахор ишқорий бентонит	3,5	96,5	200-235	550-700	800-900
Навбахор ишқорий-ер бентонити	4,4	95,6	230-265	580-720	820-930

3-жадвалдан кўришиб турибдики, танланган маҳаллий гиллар гранулометриқ таркиби бир-бирига яқин ва уларнинг дифференциал термал таҳлиллари (ДТТ) уларнинг ҳарорат «эффектлари» орасидаги сезиларли фарқларни кўрсатади, ва бу уларнинг фаоллаштириш ва қуритиш ҳароратларини танлашда эътиборга олиниши керак.

Маълумки, боғланган сув миқдори танланган маҳаллий гилларнинг гидрофиллик даражасини баҳолаш учун ишлатилиши мумкин. Биз ушбу кўрсаткични танланган маҳаллий гиллар учун ўрганиб чиқдик, натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвалдан кўришиб турибдики, энг юқори намланиш иссиқлиги ва боғланган сув миқдори Навбахор ишқорий-ер бентонитда ва аксинча, энг пасти Кармона конининг опока гилтупроғида ва Тул-Сўх полигорскитида кузатилади, буни билиш уларнинг фаоллаштириш ва қуритиш жараёнида жуда муҳимдир.


## Танланган маҳаллий гилларнинг гидрофиллик кўрсаткичлари

Гилтупроқ конлари Номи	Гилтупроқни намлантириш иссиқлиги (Q), кал/г	Гилтупроқдаги боғланган сув миқдори (B),%
Асканит-бентонит (Грузия) ГАБ (назорат)	27,4	33,12
Шўрсув гидрослюдалигилтупроқ (ШГГ)	23,8	30,74
Тул-Сўх палыгорскити (ТСП)	19,7	26,15
Кармона опока гилтупроғи (КОГ)	18,3	23,51
Навбахор ишқорий бентонит (НИБ)	25,8	33,54
Навбахор ишқорий-ер бентонити (НИЕБ)	28,5	37,05

Шундай қилиб, Республикада парафинлар ва церезинларни ҳамда минерал мойларни чуқур тозалаш учун самарали адсорбентларни олиш мумкин бўлган гил минераллар мавжуд. Бунинг учун уларни фаоллаштириш усулини ва уларни амалга оширишнинг технологик режимларини танлаш керак.


МКФ нинг танланган маҳаллий гилларнинг адсорбцион хусусиятларига таъсирини ўрганиш учун бир қатор тажрибалар ўтказдик. Шу билан бирга, Навбахор ишқорий-ер бентонити (НИЕБ), Кармона конининг опока гилтупроғи (КОГ) ва Тулсўх полигорскит (ТСП) ларни ювиш учун хлорид кислота ( $\text{HCl}$ ) нинг 15% сувли эритмаси ишлатилган, Грузиянинг асканит-бентонити (ГАБ), Шўрсу гидрослюдали гилтупроқ (ШГГ) ва Навбахор ишқорли бентонити (НИБ) учун эса 50-60 ° С ҳароратда 20% сульфат кислота эритмаси ( $\text{H}_2\text{SO}_4$ ) ишлатган. Бундан ташқари, МКФ нинг айланадиган элементлари орасидаги тирқиш 1-1,5 мм гача сақланиб қолинди ва двигателнинг тезлиги 500 дан 2000 айл./дақ.гача ўзгартирилди.

2-расмда МКФнинг айланишлар сонини НИЕБ, КОГ ва ТСП гилтупроқларини 50-60 °С да водород хлориднинг 15% сувли эритмаси билан ювилганда сорбция фаоллигининг ўзгаришига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.



1-Навбахор ишқорий ер бентонити (НИЕБ);  
2-Кармона опока гилтупроғи (КОГ);  
3-Тулсўх полигорскити (ТСП)

2-расм. МКФ айланишининг маҳаллий гилларнинг сорбция фаоллигининг ўзгаришига боғлиқлиги



1-Грузия асканит-бентонити (ГАБ);  
2-Навбахор ишқорли бентонити (НИБ);  
3-Шўрсу гидрослюдали гил (ШГГ)

3-расм. МКФ айланишининг маҳаллий гилларнинг сорбция фаоллигининг ўзгаришига боғлиқлиги


3-расмдан кўриниб турибдики, МКФ тезлигининг 1500 ай/дақ. гача кўтарилиши билан ГАБ (назорат), НИБ ва ШГГ нинг сорбция фаоллиги ошади, сўнг барқарорлашади. Шу билан бирга, сорбция фаоллигининг энг катта кўрсаткичи ГАБ (назорат) ва НИБда, ШГГда эса энг паст кўрсаткич кузатилади.

МКФ да ҳаракатланувчи элементлар (шарлар, роликлар ва бошқалар) каттиқ фазанинг, яъни гилнинг керакли дисперслигига қараб созланиши керак. МКФ нинг юқори айланиш тезлигида (1000 ай./дақ. дан ортиқ) ушбу тирқишларда босим, ҳарорат, материалнинг силжиши ва бошқалар кучли кўтарилади, буларнинг барчаси гилларни ювиш жараёнини анъанавий кимёвий фаоллаштириш усули билан таққослаганда жараёни 10-50 марта тезлаштиради.

МКФ тирқиши ўлчамининг 50-60 °С да 15% хлорид кислота эритмаси билан ювилганда НИЕБ, КОГ ва ТСП нинг сорбция фаоллигининг ўзгаришига таъсирини ўргандик. Экспериментал натижалар 4-расмда келтирилган.


4-расмда МКФдаги тирқиш ўлчами 1,5 мм гача катталаштирилиши билан маҳаллий гилларнинг сорбция фаоллиги анча пасайиб, кейин барқарорлашиши кўрсатилган. Шу билан бирга, сорбция фаоллиги пасайишининг энг юқори кўрсаткичи ТСПда ва аксинча, энг кичиги НИЕБда кузатилади.

Маҳаллий гилларни ишқорлаб ажратиб олиш бўйича тажрибалар 20%-ли сульфат кислотасидан фойдаланган ҳолда МКФ айланиш тезлиги 1500 ай./дақ. бўлганида 50-60 °С хароратда ўтказилди. Натижалар 5-расмда келтирилган.



- 1-Навбахор ишқорий ер бентонити (НИЕБ);  
 2-Кармона опока гилтупроги (КОГ);  
 3-Тулсўх полигорскити (ТСП)

**4-расм. Маҳаллий гилларнинг сорбция фаоллигининг МКФ нинг тирқиш ўлчамига боғлиқ равишда ўзгариши**



- 1-Грузия асканит-бентонити (ГАБ);  
 2-Навбахор ишқорли бентонити (НИБ);  
 3-Шўрсу гидрослюдали гил (ШГГ)

**5-расм. Маҳаллий гилларнинг сорбция фаоллигининг МКФ нинг тирқиш ўлчамига боғлиқ равишда ўзгариши**

5-расмдан кўриниб турибдики, МКФ ичидаги тирқишлар ўлчамини 1,5 мм гача оширганда танланган маҳаллий НИБ ва ШГГ ва ГАБ (назорат)нинг сорбция фаоллигининг пасайишига олиб келади, сўнг

барқарорлашади. Шу билан бирга, сорбция фаоллиги пасайишининг энг юқори кўрсаткичи ШГГда, энг паст кўрсаткичи эса ГАБ (назорат) ва НИБда кузатилади.

Шундай қилиб, МКФ нинг технологик параметрлари таъсирини баҳолаш бўйича ўтказилган экспериментлар шуни кўрсатдики, импорт қилинган ГАБ (назорат) адсорбенти каби маҳаллий гиллар ҳам яхши сорбция хусусиятига эга.

Физик адсорбцияда адсорбентнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб унинг ғоваклилиги ҳисобланади, у ўз навбатида вақтинчалик (ўтиш) ва умумий ғоваклиликка бўлинади.

5-жадвалда ишлаб чиқарилган ва назорат АГАБ (Грузия) гил адсорбентларининг ғоваклилиги ва филтрланиш қобилияти таҳлилларининг натижалари келтирилган.

**Жадвал 5**

**МКФ дан фойдаланиб олинган гил адсорбентларининг ғоваклар ҳажми**

Адсорбент номи	Ғоваклар ҳажми, см <sup>3</sup> /г		4% адсорбент кўшганда парафин филтрланиши, мл/5 сек
	Ўтиш ғоваклари	Умумий ҳажм	
АГАБ (назорат)	0,24	0,31	14,0
АЦГГ	0,22	0,29	12,8
АТСП	0,23	0,28	14,6
АКОГ	0,27	0,38	13,7
АНИБ	0,25	0,32	15,4
АНИЕБ	0,24	0,30	15,1

5-жадвал шуни кўрсатадики, МКФ ёрдамида олинган маҳаллий адсорбентларнинг ўтиш ва умумий ғоваклар ҳажми ва филтрлаш қобилияти назорат АГАБ (Грузия)дан кам эмас.

Бинобарин, МКФ усули билан ишлаб чиқилган гил адсорбентларининг физик-кимёвий параметрларини таҳлил қилиш энг яхши маҳаллий гилларни хом ашё сифатида ва уларни ювиш учун минерал кислоталар ( $H_2SO_4$ ,  $HCl$  ва бошқалар)ни аниқлашга имкон берди.

Албатта, парафинлар, церезинлар ва уларнинг аралашмаларидан битта турдаги гил адсорбентида юқорида кўрсатилган аралашмаларни ажратиб олиш деярли иложиси йўқ. Шунинг сабабли уларни чуқур тозалаш учун, тозаланадиган парафинлар ва церезинларнинг таркиби ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фаоллаштирилган адсорбентларнинг самарали композицияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолда композициялар олиш учун адсорбент танлови олиб ташланадиган компонентнинг сорбцион ва селективлик хусусиятига асосланади. Масалан, опока гиллари катта ўлчамдаги ғовакларга эга бўлиб, у ерда смолалар, асфальтенлар, олтингугурт ва минерал мойлар молекулалари ютилади, ва аксинча бентонитли гиллар бенза-  $\alpha$  пиренни, ранг берувчи пигментларни ва ароматик углеводородларни яхши ютиб олади. Палыгорскит ва гидрослюдали адсорбентлар энгил углеводородлар, кислородли бирикмалар ва бошқаларнинг ютишга мойил.

Шуларни инобатга олган ҳолда, биз танланган маҳаллий гиллар асосида механо-кимёвий усул билан фаоллаштирилган бир қатор адсорбент композициялар яратдик.

Албатта, бизнинг фикримизча, адсорбентларнинг у ёки бу композициясининг сорбцион хусусиятлари жиҳатидан самарадорлиги ҳақида таъкидлаш етарли эмас.

Шуни инобатга олган ҳолда биз Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидан олинган парафин хом ашёсини чуқур тозалаш бўйича тажрибалар ўтказдик. Шу билан бирга, синовдан ўтган адсорбент композициялар (КАК-1 ÷ КАК-10) миқдори тозаланаётган парафин массасининг 5% ҳисобида ушлаб турилди. Жараён ҳарорати 90-95 ° С, аралаштиргич тезлиги 100 айл./дақ., тозалаш вақти 1 соат ташкил қилди (6-жадвал).

6- жадвал

**Дастлабки ва ишлаб чиқилган адсорбентлар композицияларида тозаланган парафинлар кўрсаткичлари.**

Адсорбентлар композицияси рақами	Дастлабки ва тозаланган парафинларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари							
	Эриш ҳарорати, °С	Чақнаш ҳарорати, °С	Ранг, шарт. бирл.	Мойнинг массавий улуши, %	Намликнинг массавий улуши, %	Олтингугурт миқдори, ppm	Смола-лар миқдори, %	Ароматик углеводородлар миқдори, %
Дастлабки парафин хом ашёсини кўрсаткичлари (назорат):								
-	54,5	171	20,1	3,18	0,52	355	15,5	0,92
5% композиция қўллаб тозаланган парафинлар кўрсаткичлари								
КАК-1	52,3	176	8,4	1,62	0,09	115	11,5	0,74
КАК-2	51,4	173	9,7	1,90	0,12	133	12,9	0,81
КАК-3	52,5	179	7,4	1,53	0,07	121	12,0	0,69
КАК-4	52,9	174	8,0	1,65	0,09	128	12,5	0,71
КАК-5	54,1	178	8,1	1,50	0,06	112	10,7	0,67
КАК-6	53,2	173	8,7	1,69	0,08	125	11,3	0,74
КАК-7	50,6	182	6,8	1,50	0,07	92	9,7	0,57
КАК-8	52,0	175	9,0	1,75	0,10	120	12,2	0,78
КАК-9	54,1	184	6,0	1,23	0,07	74	8,1	0,50
КАК-10	53,5	180	7,2	1,57	0,08	98	10,9	0,62

6-жадвалда кўриб турганимиздек ўрганилган адсорбент композициялар (КАК-1 ÷ КАК-10) парафин таркибидаги кўшимча моддаларнинг ютилиши вақтида маълум бир селективликка эга. Бундан ташқари, гил минералининг табиати ўзгариши билан тозаланаётган парафин сифатининг индивидуал кўрсаткичлари ўзгариши кузатилади. Масалан, АТСП (50) ва АШГГ (50) дан иборат КАК-7 дан фойдаланилганда тозаланган парафиннинг ранг кўрсаткичининг энг юқориси ва аксинча, энг паст кўрсаткич АТСП (50) ва АКОГ (50) дан иборат КАК-2 дан фойдаланилганда кузатилади. Тозаланаётган парафин таркибидан ароматик углеводородларнинг ютиб олишнинг энг юқори кўрсаткичи АКОГ (25)да, АТСП (25) ва АШГГ (50)дан иборат бўлган КАК-9 композициясидан



фойдаланишда ва аксинча, энг паст кўрсаткичи АТСП (50) ва АСОГ (50)дан иборат бўлган КАК-2 композициясидан фойдаланилганда кузатилади.

Биобарин, адсорбентларнинг энг самарали таркибини аниқлаш қийин, бу уларнинг парафин таркибида келаётган у ёки бу моддаларни адсорбциялаш қобилияти билан боғлиқдир. Бошқа томондан, адсорбентларнинг уч компонентли таркиби ҳам парафинларни барча параметрлари бўйича чуқур тозалашни таъминлай олмаслигини кўриш мумкин. Шунинг учун контакт усули билан тозаланган парафинни яна кўшимча перколяция усули билан тозалаш зарур.

Бундан ташқари, асосан контакт ва перколяция усули билан тозалаш асосида ташкил этиш мумкин бўлган парафинларни тозалашнинг бир неча вариантларидан фойдаланишимиз мумкин.

Биз маълум технологиядан фойдаланган ҳолда маҳаллий гил асосида ҳар хил геометрик ўлчамдаги донатор адсорбентлардан фойдаландик.

Бундан ташқари, колоннали адсорберидаги ушбу адсорбентлардан фойдаланган ҳолда биз 100-105 °С ҳароратда олдиндан тозаланган парафинни кўшимча тозалаш жараёнини ўргандик (7-жадвал).

7-жадвал

**Гранулалар диаметри ва адсорбент қатламининг баландлигига қараб кўшимча тозаланган парафинлар кўрсаткичларининг ўзгариши**

Адсорбент грануласининг диаметри, мм	Адсорбент қатламининг баландлиги, мм	Кўшимча тозаланган парафин кўрсаткичлари				
		Эриш ҳарорати, °С	Ранг, шарт. бир.	Микдори, % умумий массадан		
				минерал мойлар	ароматик углеводородлар	олтингугурт
5	1500	56,0	9,0	0,78	0,30	0,041
5	2000	56,4	8,0	0,75	0,28	0,038
5	2500	56,9	8,0	0,71	0,25	0,034
10	1500	56,7	8,0	0,70	0,27	0,035
10	2000	57,1	7,0	0,66	0,23	0,031
10	2500	57,3	7,0	0,59	0,21	0,027
15	1500	55,9	8,0	0,72	0,32	0,039
15	2000	56,3	8,0	0,68	0,29	0,035
15	2500	56,8	7,0	0,66	0,27	0,030

7-жадвал шуни кўрсатадики, адсорбент гранулалари диаметри 5 дан 10 мм гача катталаштирилиши билан парафинларни кўшимча тозалаш сифати ошади, яъни. парафинни ранги, таркибидаги минерал мойлар, ароматик углеводородлар ва олтингугуртнинг микдори камаяди ва аксинча, унинг эриш ҳарорати кўтарилади. Адсорбент диаметрини 10 мм дан 15 мм гача катталаштирилиши тозалаб олинган парафинларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади, яъни уларнинг сифати ёмонлашади.

100-105 °С ҳароратдаги парафинни узатиш тезлигини уни перколяция усули билан тозалаш сифатига таъсирини ўргандик. Бунда адсорбент доначаларининг диаметри 10 мм га, қатламининг баландлиги 2500 мм га тенг эди (8-жадвал).

**Қўшимча тозаланган парафинларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларининг адсорбция колоннага парафинни узатиш тезлигига қараб ўзгариши**

Парафин узатилишининг хажмий тезлиги, соат <sup>-1</sup>	Қўшимча тозаланган парафин кўрсаткичлари					
	Зичлиги, г/см <sup>3</sup>	Эриш харорати, °С	Ранг, шарт. бир.	Миқдори, % умумий массадан		
				Минерал мойлар	Ароматик углеводородлар	Олтин-Гугурт
0,5	0,780	56,8	8,0	0,70	0,26	0,037
1,0	0,786	57,1	7,0	0,66	0,23	0,031
1,5	0,789	57,4	7,0	0,64	0,20	0,029
2,0	0,781	57,0	8,0	0,72	0,29	0,038

8-жадвалдан кўриниб турибдики, парафин хажмий тезлиги 0,5 соат<sup>-1</sup> дан 1,5 соат<sup>-1</sup> гача 1 га ошганда, қўшимча тозаланган парафиннинг сифати ошади, яъни олинаётган парафинларнинг зичлиги ва эриш харорати ошади ва аксинча таркибидаги минерал мойларнинг, ароматик углеводородлар ва олтингугурт миқдорлари камаяди, ранги эса очаради.

Шундай қилиб, юқори сифатли чуқур тозаланган парафинларни олиш учун қатлам диаметри ва баландлиги мос равишда 10 ва 2500 мм га тенг бўлган донатор адсорбентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда, адсорберга парафин хом ашёсини адсорберга узатишнинг хажмий тезлиги 1,0-1,5 соат-1 оралиғида ушлаб туриш зарур.


Диссертациянинг тўртинчи «**Маҳаллий хом ашёлар асосида ишлаб чиқилган адсорбентлар композицияларида парафинларни чуқур тозалаш технологияси**» деб номланган боби яратилган адсорбентлар композицияларида парафинларни икки босқичли чуқур тозалаш технологиясини ишлаб чиқишга, МКФ билан кислота ёрдамида фаоллаштирилган адсорбентларини олиш учун ишлаб чиқилган технологияларни тажриба-ишлаб чиқариш синовлари натижаларига, улар композициясида парафинлар ва церезинларни тозалашга, ҳамда жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашга бағишланган.

Парафинни тозалашнинг перколяция усули контакт усулидан сезиларли даражада фарқ қилади, биринчи навбатда донатор ёки таблетка шаклида ишлатиладиган адсорбентнинг дисперс таркиби билан (6-расм).

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ушбу ишнинг асосий мақсади парафин ва церезинни маҳаллий хомашёдан олинган адсорбентлар композицияси ёрдамида чуқур тозалаш эди. Бунинг учун изланишлар натижасида парафинларни ва церезинларни лой адсорбентларининг кукунли ва донатор композицияларида тозалашнинг икки босқичли технологиясини ташкил этиш зарурлигини аниқлади (9-жадвал).

9-жадвалдан кўриниб турибдики, икки босқичли парафинни тозалаш технологияси парафин рангини 0,9 шарт.бир. тушириши, олтингугурт миқдорини 0,07%, ароматик углеводородлар миқдорини 0,39% ва минерал мойлар миқдорини 0,41% га камайтириши мумкин. Бундай ҳолда, парафинни

тозалашнинг иккинчи босқичидан кейин чиқиши бироз пасаяди, атиги 0,3%. Бундан ташқари, сифатини яхшилаш, яъни тозаланган парафин рангини оч оқ ранггача туширилиши, уни қоғоз босмаҳоналарида, резинатехникада ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ишлатиш имкониятларини кенгайтиради.



**6-расм. Маҳаллий гил минералларидан ишлаб чиқилган адсорбентлар композицияларида парафинни икки босқичли чуқур тозалашнинг комбинирланган технологик схемаси.**

**Жадвал 9**

**Гил адсорбентлардан ишлаб чиқилган композицияларида икки босқичли парафинни тозалаш технологияси бўйича экспериментал-ишлаб чиқариш синови натижалари**

Адсорбентлар композицияси таркиби, %			Парафин сифатининг кўрсаткичлари					Чиқиши, %
бентонит	палы-горскит	гидро-слюда	ранг шарт.бир.	эриш харорати, °С	миқдори, %			
					олтин-гугурт	арома т.уг.	мой-лар	
<b>1-чи босқич кукунсимон гил адсорбентларда парафинни тозалаш:</b>								
50	50	-	2,1	53,2	0,14	1,22	1,43	98,6
50	25	25	1,9	55,5	0,11	1,15	1,22	99,1
25	50	25	2,2	51,3	0,13	1,35	1,38	97,5
<b>2-чи босқич донадор гил адсорбентларда парафинни тозалаш:</b>								
50	50	-	1,5	51,3	0,09	1,05	1,18	98,3
50	25	25	1,3	52,8	0,07	0,96	1,02	98,9
25	50	25	1,6	49,7	0,10	1,12	1,14	97,1

Йилига 100,0 минг тонна қувватга эга маҳаллий гиллардан адсорбентларнинг таклиф қилинган композицияларидан фойдаланган ҳолда парафинни чуқур тозалашнинг ишлаб чиқилган икки босқичли

технологиясини жорий этишдан иқтисодий самара йилига 800,0 миллион сўмни ташкил этади.

### ХУЛОСА

1. Республикада гил минераллари мавжудлиги аниқланди, уларнинг асосида парафинлар ва церезинларни, шунингдек минерал мойларни тозалаш учун самарали адсорбентлар олиш мумкин, бунинг учун уларни фаоллаштириш усуллари ва уларни амалга оширишнинг оптимал технологик режимлари тавсия этилган.
2. Одатдаги анъанавий аралаштириш ўрнига ноанъанавий МКФ усулидан фойдаланиш олинган адсорбентларнинг сорбция фаоллигини 1,3-1,5 баравар оширишга имкон бериши ва маҳаллий СаО га бой гилларни (НИЕБ, КОГ ва ТСП) эритишда 15% хлорид кислотадан фойдаланиш эса парафинлар ва церезинларни чуқур тозалаш учун фаол адсорбентларни олишда жуда муҳим бўлган гипс ҳосил бўлишини 50-75% гача камайиши билан изоҳланади.
3. Энг яхши маҳаллий гил минераллар ва уларни МКФ ёрдамида фаоллаштириш учун минерал кислоталарнинг сувли эритмалари ( $H_2SO_4$ , HCl ва бошқалар) тавсия этилган.
4. Парафинлар ва церезинларни маҳаллий гил минералларидан адсорбентлар композициясидан фойдаланган ҳолда қўшимча тозалаш учун перколяция усулининг зарурлиги асослаб берилди.
5. Юқори сифатли чуқур тозаланган парафинларни олиш учун абсорберга берилаётган хом ашёни хажмий тезлиги 1,0-1,5 соат-1 оралиғида, қатламнинг диаметри ва баландлиги мос равишда 10 ва 2500 мм га тенг бўлган маҳаллий донадор адсорбентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги билан изоҳланади.
6. Парафин ва церезинни икки босқичли чуқур тозалашнинг комбинирланган технологик схемаси ва уни маҳаллий гил минералларидан ишлаб чиқилган адсорбентлар композицияларида амалга оширишнинг технологик режим меъёрлари таклиф этилди.
7. Йилига 100,0 минг тонна парафин ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган, ишлаб чиқилган икки босқичли технологияни жорий этиш натижасида иқтисодий самараси йилига 800 миллион сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**МАМАДАЛИЕВА САДОКАТ ВАЛИЖАНОВНА**

**ТЕХНОЛОГИЯ ГЛУБОКОЙ ОЧИСТКИ ПАРАФИНОВ  
НА РАЗРАБОТАННЫХ КОМПОЗИЦИЯХ АДсорбЕНТОВ  
ИЗ МЕСТНЫХ ГЛИН**

**02.00.11- Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована под номером В2020.4.PhD/T1902 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана.

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.ionx.uz](http://www.ionx.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

**Научный консультант:**

**Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Хамидов Босит Набиевич**  
доктор технических наук, профессор

**Мухторов Нуриддин Шамсиддинович**  
доктор технических наук

**Ведущая организация:**

**Наманганский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «22» декабря 2020 года в «15<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: [ionxanguz@mail.ru](mailto:ionxanguz@mail.ru)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 25, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60).

Автореферат диссертации разослан « 9 » декабря 2020 года.  
(протокол рассылки № 25 от « 9 » декабря 2020года).



**Б.С.Закиров**  
Председатель Научного совета  
по присуждению учёной степени,  
д.х.н., профессор

**Д.С.Салиханова**  
Учёный секретарь Научного совета  
по присуждению учёной степени,  
д.т.н., профессор

**Ш.С.Намозов**  
Заместитель председателя Научного семинара при  
Научном совете по присуждению учёной  
степени, д.х.н., профессор, академик

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всем мире интерес к парафину и церезину растет, так как непрерывно расширяются области их применения и переработки с целью получения новых видов полимерных и композиционных материалов. Парафин и церезин в основном используют в медицине, бумажной промышленности, сельском хозяйстве, электронике и других отраслях экономики. При этом чистота парафинов и церезинов считается одним из главных требований вышеотмеченных потребителей и поэтому разработка инновационной технологии глубокой очистки парафинов на созданных композициях адсорбентов имеет приоритетное значение.

В мировой практике для глубокой очистки парафинов и церезинов широко используют активированные глинистые адсорбенты различного минералогического и химического составов. Большинство сырья относится к бентонитам, требующим для получения адсорбента их кислотную активацию с целью раскрытия макро- и микропор. В этом направлении необходимо обосновать ряд научно-технических решений по: выбору местных глинистых минералов для создания композиций адсорбентов; использованию механо-химической активации (МХА) при кислотной активации местных глинистых минералов; разработке технологии глубокой очистки парафинов на созданных композициях адсорбентов из местного сырья.

На сегодняшний день в республике достигнуты определенные научно-практические результаты по переработке нефтепродуктов, в том числе парафинов и церезинов, которые выделяются из смесей минеральных масел различного качества. В третьем направлении Стратегий действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, предусмотренной в 2017-2021 г.г. отмечены важные задачи, направленные на «...развитие высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...».<sup>1</sup> В этом аспекте важное значение имеет разработка технологии получения композиции адсорбентов на основе местных сырьевых ресурсов и глубокой очистки парафинов с их использованием.

Данное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 года УП- 4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям Республики Узбекистан на 2017-2021 годах», УП- 5646 от 01.02.2019 года « О мерах по коренному совершенствованию системы управления топливно-энергетической отрасли Республики Узбекистан» и Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП- 3236 от 23.08.2017 « О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы », а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Научным исследованием по разработке технологий глубокой очистки парафинов с использованием композиций адсорбентов занимаются: В.М. Капустин, С.А.Ахметова, О.Ф.Глаголева, А.К.Мановян, Ф.И.Рябова, Г.Р.Норметова, Б.Н.Хамидов, М.П.Юнусов, М.М.Абидова, У.К.Ахмедов, С.А.Абдурахимов, Д.М.Мирсабуров, О.К.Рахмонов и др.

Для повышения глубины очистки парафинов, церезинов и их смесей предложены ряд адсорбентов из различных минералов, а также способов внешнего воздействия, позволяющих увеличить сорбцию посторонних веществ парафина и церезина.

За последние годы уделяется больше внимания разработке комбинированных способов очистки парафинов и церезинов с совместным использованием нескольких внешних воздействий (ультразвук, магнитная обработка и т.п.).

Конечно, с увеличением способов очистки, безусловно, повышается себестоимость получаемого очищенного парафина, церезина или их смесей, увеличиваются безвозвратные потери сырья и др. Поэтому разработка технологии глубокой очистки парафинов на созданных композициях адсорбентов из местного сырья является важной научно-практической задачей.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ по прикладным проектам Ферганского политехнического института А-6-3/9 «Разработка импортозамещающих экспорториентированные композиционные адсорбенты для глубокой очистки парафинов в нефтеперерабатывающей промышленности» (2011-2020 гг.)

**Целью исследования** является разработка технологии глубокой очистки парафинов на созданных композициях адсорбентов из местного сырья.

**Задачи исследования.** Для достижения поставленной цели нами сформулированы следующие задачи:

